УДК – 894.375-14

ИКРОМ ОТАМУРОД ШЕЪРИЯТИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАЛҚИНЛАРИ

С.Ч.Жумаева

Мақолада Икром Отамурод шеърлари замиридаги фалсафий мушоҳадалар ҳақида сўз юритилади. Икром Отамурод ижоди ҳозирги давр ўзбек адабиётида достон жанрининг ривожланиши ва достонга хос бадиий талқиндаги фалсафий тафаккур тараққиётида муҳим ўрин тутади. Унинг ҳар бир асари инсон руҳиятидаги муайян бир ҳолат тавсифига бағишланади, айни ҳолатда оламнинг мағзини ўзича акс эттиради. Муаллиф Икром Отамурод лирикасида ифодаланган фалсафий мушоҳадалар ва руҳият талқинига оид қарашларини таҳлил этган.

Калит сўзлар: *ижод, маънавият, фалсафий мушоҳада, руҳият, талқин, жанр, достон, ижтимоий ғоя, маърифий ғоя, бадиий образ, ватанпарварлик.*

В статье рассматриваются подспудно выражающиеся философские размышления в стихотворениях Икрама Атамурада. Творчество Икрама Атамурада играет важную роль в развитии современного жанра "дастан", а также свойственной данному жанру философской направленности. Каждое из его произведений посвящено описанию специфического состояния души человека, в котором отражается сущность осколка бытия. Автор анализирует философские размышления, отраженные в лирике Икрама Атамурада и стремится раскрыть суть его концепции духовного.

Ключевые слова: *творчество, духовность, философское мышление, дух, интерпретация, жанр, поэма, социальная идея, художественный образ, патриотизм.*

Ҳозирги ўзбек шеъриятида ижтимой ҳаётимизда мавжуд муаммоларни фақат одамийлик фазилатларини улуғлаш ёки инсонлийкка зид хулқ-атворларни қоралаш тарзида тасвирлаш билан чекланмасдан, инсон руҳиятида яширинган ботиний ва сирли оламларни кашф этиш ҳамда унга фалсафий ёндашиш принциплари етакчилик қилмоқда. Бу борада Икром Отамурод ижоди алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг ижодий фантазиясида ҳаёт, дунё, яралиш ва яшашдан мақсад, ўзликни англашга оид фалсафий мушоҳадалар талқини муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, оддий ҳодисалардан катта фалсафий хулосалар чиқариш ижодкордан чуқур мушоҳадакорликни талаб этади. Шоир шеърларидаги инсон руҳияти тасвири ўзининг кўламдорлиги, бадиийлиги, рамзий образлар ва фалсафий мушоҳадалар орқали катта ижтимоий маъно-мазмун ташиши билан характерланади. Хусусан, унинг "Вақт ранглари", "Жануб қушлари", "Тўрғайли манзиллар", "Уфқлар орти бепоён", "Харитага тушмаган жойлар", "Узоқлашаётган оғриқ", "Сопол синиқлари", "Сен", "Ичкари ва ташқари", "Руҳимнинг қайғуси", "Канглум ўзинг", "Тавр", "Тағаззул" каби шеърий тўпламларидан ўрин олган лирик қаҳрамон ўзининг миллат ва юрт тақдири ҳақидаги қарашларини ўзига хос тарзда баён этади. Бу асарларда инсон ҳаётининг фалсафий талқини, тасвирдаги равонлик ва мусиқийлик, қаҳрамони характеридаги кўз илғамас қатламларни психологик асослаш, образлиликни таъмин этган бадиий воситалар бўртиб туради.

Адабиётшуносликка оид асарларда "...поэзиянинг таъсир кучи, юксак мазмуни фақат ҳаққонийлик туфайлигина бўй кўрсатмаслиги ҳақидаги қайдлар мавжуд. Зеро, ҳаққонийликка самимийлик орқали, ҳаяжонлар ва эҳтиросларнинг кучи, жўшқинлиги орқали эришилади" [1. С. 142]. Шу маънода, шоир чинакам инсонийликни айнан маънавий камолотда, илоҳий файздан баҳрамандликда кўради. Инсонни ўрганиш, нуқсонлардан холи тарзда тасаввур этиш, унинг маънавий камолоти ҳақида қайғуриш Икром Отамурод шеъриятининг ғоявий мундарижасини ташкил этади. Унинг ҳар бир асари инсон руҳиятининг муайян бир ҳолати тавсифига бағишланган.

Маълумки, бадиий асар инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги каби тафаккурнинг маҳсули ҳисобланади. Санъат асари фақат бадиий сўз санъатига оид манбаларни ўз ичига олибгина қолмай, балки ғоявий-эстетик мазмун, дунёқараш, фалсафий тушунишни ҳам қамраб олади. Ижодкор учун билим – бу ҳаётий материал, ҳаётни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўлиб, усиз санъат асари яратиб бўлмайди. Ҳаётни билиш ижодкорда унинг ҳиссиётлари орқали ўтади [2. С. 183]. Шунингдек, "…поэтик ижоднинг "сир"ини фақат шоирнинг ўзигина топа олиши, шунда ҳам фақат ўзидан топа олиши мумкин" [3. С. 97].

Шоир ботинида туғилган фикр унинг жисмига туртки бериб, ҳаяжонга солади, қонида ўт ёқиб, кўксида типирчилаб уйғонади. Адибнинг "Ичкари ва ташқари" номли достони бунга яққол мисол бўла олади. Асар инсониятнинг иккита – ботиний ва зоҳирий ҳаётининг фалсафий моҳиятига бағишланган. Инсон ҳаётининг мукаммаллиги бу икки

нарсанинг уйғунлигига, бир-бирини тўлдиришга боғлиқ. Назариясиз амалиёт, амалиётсиз назария бўлмаганидек, ичкарисиз ташқари, ташқарисиз ичкари бўлмас. Чунки ташқи ҳаётнинг тўлалиги, ички ҳаётнинг мукаммаллигига боғлиқ. Ўз навбатида, ташқи олам ҳам ички оламга ўз таъсирини ўтказади. Бу ҳолатни шоир шундай изоҳлайди:

Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
истаюр ташқарида тўлувни.
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
истаюр ичкарида бўлувни.
Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,
истаюр ташқарида жавобни.
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,
истаюр ичкарида тавобни [4. Б. 29].

Инсон фикрлаш, мулоҳаза қилиш қобилиятига эга бўлибдики, ташқи оламни мукаммал билишга интилади. Аммо бунга муяссар бўлиш осонлик билан кечмайди. Чунки инсоннинг ўзи ҳали-ҳануз тўлиқ мукаммалликка, комилликка эришгани йўқ. Зигмунд Фрейднинг фикрига кўра, "... Одамзод ўзининг моҳиятини билмайди, ёки... бор ҳақиқатни тан олгиси келмайди. Бу борада у ё риёкорлик қилади ёки ўзи хусусида ҳақиқатан ҳам чуқурроқ тушунчага эга эмас" [5. Б. 63]. Икром Отамурод шеърияти замирида худди шу ҳақиқат ётади. Шундан шоир:

Ташқари – ғусса.
Ичкари – ҳувайдо.
Ташқари – надомат.
Ичкари – гулгул.
Ташқари – шамолга соврилар сайдо.
Ичкари – руҳга тўкилар кангул... [4. Б. 29] –

дейди. Бу ҳолатни икки маънода тушуниш лозим. Ҳозирги кунда бу икки олам - ташқари ва ичкари бир-бирига уйғун эмас. Инсон тасаввуридаги оламни ташқарида кўра олмайди. Чунки инсонлар илоҳий ахлоқ билан яшамаяпти. Унга йўл қўйган ташқи оламдан бу каби шахслар мамнун. Ваҳоланки, уларнинг аъмолидан ташқи олам симён. Илоҳий ахлоқ билан яшайдиганлар, яъни ўзининг моҳиятини англайдиганлар эса сукунатда нола қиладилар. Илоҳий ахлоқ билан яшамайдиганлар ҳақида Қуръони каримда шундай дейилган: "Мол-мулк, фарзандлар, дунё ҳаётнинг зийнатидир. Раббингиз наздида эса, боқий қолувчи солиҳ амаллар савоблироқ ва орзу қилишга лойиқроқдир" [6. Б. 299]. Демак, барча илоҳий ахлоқ билан яшаса, ички ва ташқи олам уйғун кечади, дунёвий олам мукаммаллашади, шунда инсоннинг амаллари кенг қулоч ёзади. Оқибатда инсон дунёвий саодатга эришади. Бу эса инсон кўнглининг поклигига боғлиқ, Чунки маърифатли одамнинг кўнгли ҳаётнинг ҳар бир жабҳасидан покланади, ўзини англаб боради:

Ҳайронинг ҳам канглунгда,
Вайронинг ҳам канглунгда.
Оринг ҳам канглунгда,
Хоринг ҳам канглунгда...
Тўзинг ҳам канглунгда,
ўзинг... ҳам канглунгда... ўзинг... ҳам канглунгда... [4. Б.32].

Таъкидлаш жоизки, инсон кўнглини кашф қилиш одам ва оламни кашф қилиш демакдир. Шу маънода, адабиётшуносликка оид асарларда характерлар оламини яратиш ижодкорнинг ўзлигини танишига, руҳияти қатламларидаги сирларни англашига, уни тадқиқ ва таҳлил қила олишига ва ғоявий-бадиий ниятини очиб берадиган қилиб тасвирлашига боғлиқ эканлиги ҳақида айрим қайдлар мавжуд [7. Б. 260; 8. Б. 34 – 36; 9. Б. 50 – 52; 10. Б. 208 – 214]. Эҳтимол, шунинг учун адиб ўзбек шеърияти ихлосмандлари орасида сўз ва шеърнинг "кангулда"ги мўъжизаси билан яшайдиган шоир сифатида танилгандир. Ижод оламида "ўзбаки кангул"нинг камтарин шоири сифатида қалам тебратаётган шоир шундай ёзади:

Канглумнинг ичига кириб бораман,
канглумни ахтариб, канглум.
Зора топсам, зора-а ман,
жоним тўзиб?!
Канглумнинг ичига кириб бораман,
руҳимни ахтариб руҳим.
Зора топсам, зора-а ман,
интизор мунглим?! [4. Б.35].

Муҳаммад Ғаззолий шундай ёзадилар: "Ҳазрати Али дейди: "...Кимдаки олти хил табиат жамланган бўлса, у жаннатга тушади, жаҳаннамдан омон қолади: Оллоҳни таниб, унга итоат этса. Шайтонни таниб, унга эргашмаса. Ҳақни таниб, унга таслим бўлса. Ботилни таниб, ундан қочса. Дунёнинг ҳавоий ҳаётини таниб, уни тарк этса, Охират ҳаётини таниб, унга тайёргарлик кўрса" [10. Б. 37]. Бунга имони мустаҳкам одамгина муяссар бўлади. Чунки шайтон турли йўл билан йўлдан уришга халақит қилади, уради ҳам:

Фитнаю иғволар тўқийди неча
иблиснинг дасиса дўкони.
Дақ уриб югурар кўчама-кўча,
ичкари тирқишин пойлаб ҳар они... [4. Б.36].

Лекин шайтон қутқисига берилган зот ўзининг кимлигини унутди ва ҳар нарсани орзу қилади:

У зот бирорта ниҳол экмаган,
меҳр ҳам бермаган бирор ниҳолга.
Лекин
дарахтлар соясидан
умидвор бўлаверади,
умидвор бўлаверади
дарахтларнинг қуюқ-қуюқ соясидан
жудаям [4. Б. 37].

Достон замирида шарқона фалсафа мужассамлашган. Муҳаммад Ғаззолий ёзади: “Дунё ҳаёти бениҳоя чуқур бир денгиздир. У ерга кўп кишилар чўкди. Бу ҳаёт денгизида кеманг Тақво бўлсин. Кемангнинг ашёлари Оллоҳга Иймон бўлсин. Елкани Оллоҳга Таваккул бўлсин. Шундай бўлса... ҳаёт денгизида чўкмасдан омон қоласан” [11. Б. 39]. Бу фалсафий ҳақиқат достон замирига сингдирилган шоир ғояси аслида.

Икром Отамуроднинг “Сопол синиқлари” номли достони воқеалар эмас, туйғулар асосига қурилган. Шоир бадиий тасвир воситалардан моҳирона фойдаланиш орқали воқеликни фалсафий тасвирлашда ўзига хос индивидуал изланишни намоён этади. Биз лирик қаҳрамоннинг фалсафий мушоҳадасида, хотираларида, дардларида инсониятнинг ўрнини, юртнинг бошига тушган кулфатларини англаймиз, энг муҳими, дунё деб аталмиш борлиқ воқеа-ҳодисаларидан изтиробга тушган қалб тебранишларини ҳис қиламиз. Асарда шоир рамзий тасвирларга кенг ўрин беради ва ўз навбатида бу тасвирларга катта ғоявий-бадиий вазифа юклайди. Воқелик Ҳолат ва Ранг деб номланган қисмлар орқали тасвирланади. Бу эса ўз навбатида, мумтоз адабиётимиздан кенг ўрин олган “мақолат – ҳикоят” тартибидаги композицион қурилишни ёдга солади.

Маълумки, мақолат назарий йўналишда, ҳикоятда унинг амалдаги кўриниши акс этади. Мазкур достонда ҳам шунга ўхшаш: Ҳолатда фалсафий-назарий йўналишда ҳаёт ҳақиқати очиб берилса, Рангда кечаги ва бугунги ҳаёт манзаралари ўз аксини топади. Ҳолатда шоир ёзади:

...Одам боласи
бир хил ҳаёт тарзидан,
қачондирким бўлмасин, зерикади.
Зерикиш –
Бошқа шаклнинг истаги...
Руҳиятда содир бўлган бу ҳодиса –
Янги ройишни,
...Соғиниб яшайди...
нотаниш манзилларни...
Ҳар қандайин портлаш, **Аввалambор,**
Одам боласининг руҳиятида кечади...
Юрагида **томир** отади...сўнг,
кенг майдонга қўнади [12. Б. 203 – 204].

Шоир ўзига хос образли воситалардан, ихчам ўхшатиш ва рамзлардан, мумтоз адабиётимиз ва халқ ривоятларидаги анъаналардан фойдаланиб, Ҳолат ва Ранг тимсолларида замондошларимизга мустақилликнинг қадрига етиш ва уни қадрлаш ғоясини уқтирмоқда. Айни сатрлардага самимийлик, туйғулар тиниқлиги, мазмун ва шакл мутаносиблиги, тасвирдаги табиийлик ва ички драматизм асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятини белгилайди. Зеро, бундай ҳолат маънавияти бой, руҳи тетик, доимо янгиликка интиладиган шахсларда рўй беради. Дунё тараққиёти шу каби инсонларнинг саъй-ҳаракати туфайлидир. Достондаги лирик қаҳрамон шундай инсон. У ҳаётдан ҳам, ўзидан ҳам қониқмайди. Унинг табиати, аста-секин китобхонга ҳам кўчади. Рангда шундай сатрларни ўқиймиз:

Моғорлайди. Занг босар. Музлар,
Унутилар кўп йўлаклари.
Тепалар қаъридаги излар –
Хотира бўлаклари.
Лойга ботиб синиққан камон –
Юрт ори деб тўкилган дарддир.
Қўлда лочин тутган паҳлавон –
Қадрин қучиб йиқилган марддир.
кўмилган имондир,кўмилган тилдир
тепалар...Кўмилган Ватандир.
Кўмилган елдир, тепалар... [12. Б. 205].

Бу ўринда теран фалсафий мушоҳадалар, салмоқли поэтик фикрлар билан жўшқин ҳис-туйғулар уйғунлашиб кетган. Унда юртимиз бошидан кечирган яқин тарихимиздаги хунук манзаралар тасвири акс эттирилган. Зеро, бундай асарларда бадиий тасвир орқали миллат турмуш тарзи ва мустамлакачилик сиёсати юзага келтирган маънавий-ахлоқий қарашлар ўз ифодасини топади.

Ҳақиқатан ҳам, тоталитар тузум маънавий қадриятларимизга – динимиз, тилимиз, иймонимизга дахл қилиб, ватанпарварлик туйғусидан жудо қилган эди. Бу манзаралар хотира орқали чизилади. Ўз навбатида, хотира бир-бирига боғлиқ икки вазифани бажаради. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ. Ўтмиш хотираларда тикланади. Хотирага берилган одам ўзини ҳам англай боради. Шунингдек, хотирлаш онгнинг фикрлаш жараёнини ҳам белгилайди. Чунки фикрлаган одамнинг ўз олами бўлади:

Ёлғиз оламда ёлғизман.
Руҳим остонасида турар Ёлғизлик
Умид эшигин ўксик тавқасин чертиб [4. Б. 74].

Кишининг умидлари амалга ошмаса, кўнгли ўксийди. Ўксиган кўнгил хотирага берилади. Лекин у ҳам хурсанд қилмайди. Чунки қадриятлар вайрон қилинган:

Ёлғиз оламда ёлғизман,
Руҳим остонасида турар
Ёлғизлик, кўришар –
Умид ила хотира эшиги икки тавақаси.
Ўксик ва синиқ икки тавақаси [4. Б. 74].

Англашиладики, асар бир қарашда унчалик “муҳим бўлмаган” оддий муаммонинг “ўта жиддий муҳокамасига” бағишланган. Хаёлот дунёсига

ғарқ бўлган лирик қаҳрамон осойишта ва чекка жой – ёлғизликдан қўним топади. “Икки тавақаси ўксик ва синиқ хотира эшигига умид ила” боқаркан, ўзини ёлғиз оламда ёлғиз сезади. Ранг қисмида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Дарахтнинг томирига қурт дориди,
ўзидан пайдо бўлган қурт... зирқироқ...
Занам танаси... шохлари хориди...
Барглари – қуроқ
Қанча бўҳронларга чидаган бардош.
Азамат дарахт.....қуруқсавара...
елга беролмайин дош –
юрагимга йиқилди дарахт [12. Б. 205].

Айни ҳолатда дарахт бизга маълум бўлган табиатнинг маҳсули эмас. У – тимсол. Ватан тимсоли. Қуртлар ҳам табиий қурт эмас. У – инсон ғурури, Ватан, миллат туйғуси йўқ, ҳамиятсиз, хоин шахслар. Шулар туфайли минг йиллар қанча ташқи қумларга, бўхтонларга чидаш берган Ватан бу “қурт”ларга дош беролмай қулади. Бу ҳол шоирнинг юрагини зирқиратади:

У битта кўза олди.
Касбининг туфроғидан ясалган кўза
Лаби учган. Дастаси синган...
Ҳайрон бўлди кулол. Бутунлари турибди, ахир,
Яна ҳар хиллари!...

Кулол ҳайрон бўлгандай китобхон ҳам ҳайрон бўлади ва ҳайронлик сабабини англашга интилади. Асардаги синиқ кўза синиқ қалбниинг рамзи. Чунончи, инсоннинг қалби катта йўқотишдан синади. Лирик қаҳрамон ҳам шу ҳолга тушган:

Синиқ кўзани бағрига босди авайлаб.
Синиқ канглу кушойиш топгандай бўлди.
Синиқ...
Синиқ кангул...дўппайган қабр...
Нимжон ниҳол...
Канглунинг армонига тўлдириб,
кўзининг чашмига тўлдириб,
қайғусининг қайғусига тўлдириб,
тўлдириб...тўлдириб... кўмди... синиқ кўзани...
туфроғини туфроғига қўшди [12. Б. 205].

Бу ўринда лирик қаҳрамон синиқ кўзани кўмгани йўқ, балки, синиқ қалбини кўмди. Шу тарзда ўз маҳбуби билан абадий бўлиш ишорасини билдирди. Нимжон ниҳол эса ўзи. Кейинги мисраларда лирик қаҳрамон янада бўй кўрсатади. Унинг ўй-фикри, кечинмаларида, хотираларида одам ва олам ҳақиқатини, шунингдек, инсонийлик моҳиятини англаймиз. Достоннинг аҳамияти ҳам шунда.

Шоир ўзининг армонли ва огоҳли сўзини “Сен” номли достонида ўзига хос тарзда баён этади. Асарда фалсафий мазмун анча чуқур. Хусусан, соғинч фалсафаси билан йўғрилган мазкур асарида шоир сониялардан яралмиш – вақт – умрнинг маъноси ва моҳиятини англаб етишга уринади. Шоир ёзади:

Сен йўғ эдинг ... Келдинг ...
Йўл – соғинч ... Вақт – соғинч ...
Макон – соғинч ... Сусамбил ...
Йўл – соғинч ... Вақт – соғинч ...
Кангул – соғинч ... Ҳақ – соғинч ...
Имкон – соғинч ... Ў, танг дил ... [13. Б. 26].

Яшаб бўлинган умр, беҳуда совурилган Вақт, армонга айланган муҳаббат тасвирида соғинчдан ўртанган шоир қалби маҳзун ҳолга тушади. Лирик қаҳрамон наздида ҳатто вақтнинг дийдаси тош қотган. Соғинчга айланган туйғулар қариган:

Соғиниб- соғиниб кутганим – дунём ...
Юрак- юрагимдан талпинган биттам ...

Дийдаси тош қотган вақтнинг қобирғалари
майишиблар кетсин, суянчи
кўтаролмай соғинчларинг собирғаларин ...
Соғинчларинг соғиндим, соғиндим ... [13. Б. 65]

“Бир кун ...” деб аталган шеърида шоир шундай сатрларни келтиради:

Бир кун ... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... қадамларимни.
Қарай-қарай бир кун қароғи толар,
Хўрсиниб ютар сўнг аламларини

Бир кун ... йўллар мени соғиниб қолар,
Соғиниб қолар... пайконларини.
Юраги тўкилиб ёдига олар,
Тонгда ўтиб, оқшом қайтганларимни [13. Б.26].

Сиртдан қараганда, соғинч алами фақат шоирнинг ўзига тегишлидек туюлади. Лекин мисрадан мисрага ўтилгани сайин унинг уфқи кенгайиб, кўз ўнгимизда босиб ўтган йўлимиз, ҳаётимиз жонлана бошлайди, аста-секин унинг замиридаги моҳият бўй кўрсатади. Оқибатда соғинчдан яралган бу армон барчамизники эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Икром Отамурод шеърияти замиридаги поэтик асоснинг ҳаётийлиги ва фалсафийлиги “Ишора” номли достонида янада ёрқинроқ, янада теранроқ, янада жозибалироқ акс этади. Бу асар шоир лирикасида фалсафийлик кучайганини, инсон образи, унинг ички дунёси ҳар томонлама чуқур очила борганини кўрсатади. Шоир илк сатрларидаёқ ёрқин бир ҳаётий фалсафа яратади:

... Вақт ишорани ўзига жойлар,
ишора ўзига жойлар вақтни ...
... Даҳр ишорани ўзига жойлар,
ишора ўзига жойлар даҳрни ...
... Гардун ишорани ўзига жойлар,
ишора ўзига жойлар гардунни ...

... Борлиқ ишорани ўзига жойлар,
ишора ўзига жойлар борлиқни ...

... Эҳ,
ишора!
ишора ўзининг
имконини йўллайди:
ҳар қайси
ҳар йўсиннинг
тарз сиймосидан ... [14. Б. 36 – 37]

Таъкидлаш жоизки, “Ишора”да қайд этилган сирлар кўлами кенг ва ниҳоятда ранг-баранг бўлишига қарамасдан, уларнинг барчаси инсоннинг ботиний оламини очиб беришга йўналтирилган. Асар ўзига хос мавзу кўламига, мазмун силсиласига, тизимига эга. Хусусан, шоир вақт, даҳр, гардун, борлиқ, қуёш, ҳилол, кун, тунга бўлган ишоралар тасвирида китобхон кўз ўнгида халқимиз тарихидаги машъум ҳақиқатни жонлантиради. Асар ҳақида “Кангул ” қушининг дил изҳори” номли ихчам тақриз ёзган филология фанлари доктори Исломжон Ёқубовнинг қуйидаги фикри муаллифнинг бу масалани нечоғлик бадиий талқин қилганини изоҳлайди: “Икром Отамуроднинг ... “Ишора” номли янги достони поэтик ифодаси қатига улуғ сирлар яширинган... Шоир даставвал, ашёларнинг ўзида муайян ишоралар мавжудлигини кўради. Сўнгра уларнинг ҳаракат мароми – ишораларнинг ишораси унга ўз сирларини очади” [15. Б. 37 – 38]. Шунингдек, асарда садоқатнинг, инсонийликнинг, покликнинг, ниятнинг етуклигига ишоралар мужассам. Шоир инсон ботинидаги туйғуларни бир умр ички ҳаловат излаган лирик қаҳрамон образи орқали ифодалайди. Асар шоирнинг теран нигоҳи ва қалб призмаси, маҳорати ва тажрибаси улканлигини яққол кўрсатади [16.Б.21].

Хулоса қилиб айтганда, улуғ истеъдодларнинг воқеа-ҳодисаларни бадиий идрок этиши ва моҳиятни самимият ила ифодалаши ҳам юксак бўлади. Икром Отамурод – шундай ижодкор. Унинг асарларида файласуфона мушоҳада мужассам. Шоир ижоди халқимиз ҳаётидан оғриқли нуқталарни, улар қалбида баъзан ношукур бандаларнинг қилмишлари сабабли пайдо бўлган жароҳатни, яқин ўтмиш тарихини тасвирлаш орқали замондошларимиз онгида юз бераётган ватанпарварлик ва юртга бўлган фидойиликни, инсон қалби кечинмаларини фалсафий оҳангда тасвирлаши билан аҳамиятли.

Адабиётлар

1. *Арнаудов М.* Психология литературного творчества. – Москва: Наука, 1970. – 288 с.
2. *Цейтлин А.Т.* Труд писателя. – Москва: Наука, 1968. – 240 с.
3. *Мейлах Б.С.* Талант писателя и процесс творчества. –Ленинград: Наука, 1969. – 422 с.
4. *Отамурод Икром.* Тавр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 96 б.
5. *Ҳасанов Ш.* Достонларда шоир шахсияти талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 3. – Б. 63 – 71.
6. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.
7. *Султон И.* Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 272 б.
8. *Умуров Ҳ.* Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 256 б.
9. *Бобоев Т.* Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.558.
10. *Қуронов Д.* Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Фан, 2007, – 224 б.
11. *Муҳаммад Ғаззолий.* Иҳёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш), 1-китоб // Муқаддима. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. – 50 б.
12. *Отамурод Икром.* Сопол синиқлари // Шарқ юлдузи, 1994. – № 11 –12. – Б. 204 – 215; 205 – 210.
13 *Отамурод Икром.* Сен // Шеърлар ва достон. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – 80 б.
14. *Отамурод Икром.* Ишора // Шарқ юлдузи, 2019. – № 4. – Б. 36 – 48.
15. *Ёқубов И.* “Кангул ” қушининг дил изҳори” // Шарқ юлдузи, 2019. – № 4. – Б. 37 – 38.
16. *Қуронов Д. Талқин имконлари.- Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015.- Б.88*

THE INTERPRETATIONS OF PHILOSOPHICAL THOUGHT IN IKRAM OTAMUROD’S POETRY

S.Ch.Jumayeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 72 – 78.

[1]Karshi State University, Karshi, 730003, str. Kuchabog, 17 (Usbekistan). E-mail: kardu@mail.ru

Keywords: *creativity, spirituality, philosophical notions, interpretation, poem, psychology, genre, social idea, educational idea, artistic image, homeland, patriotism.*

The article discusses the description of philosophical notions in the poetry of Ikram Otamurod. His works play an important role in the development of epic genre in Uzbek literature. In the case, the poet who is good at espressing deep feelling of person in philosophical way, is continuing traditions of writing hictorical and modern epics. It is known that, coming to deep conclusions from simple wints requires complicated concepts. Every work written by Ikram Otamurod is dedicated to a certain description of person's spiritical state.

Appreciating life, realising the meaning of it and oneself is considered to be one of the main peculiarities of every author. Poetry of Ikram Otamurod has specific system theme and meaning. No matter which theme he writes about he tries to discribe true meaning of life in philosophical way. The poet uses specific characterictic means, delicate assimilations, traditions from folktales, through this reflects all the realities philosophically.In this meaning, learning humanity, imagining him without any flaws thinking about spiritual perfection contains chief notion in Ikram Otamurod's poetry. Poetic skill can be seen clearly in every work of this poet. All the works are charactirezed by having deep meanings and concepts. Especially, he expresses his concepts about the destiny of nation and country in his collection of poems like: "Colours of time","Western birds","Larky destinations","Endless horizons", "The places which can not be found in the map", "Pain which is going far","Broken ceramics","You","Inside and outside", "Grief of my soul", "You are my heart", "Taurus", "Tagazzul". Additionaly, philocophical description of human life, certainty, psychologic state of characters are exaggerated in his works. The poet sees humanity in perfection. Life, living, existance, aims, realising oneself are described widely in his works. Poetry of Ikram Otamurod is essential in creating lively epics in the tradition of writing epic poems. Espicialy humanity and his inner world are described widely in his epics like "You" "Sign". He creates vivid and lively destiny in his first lines of works. There is philosophical deep meaning.

The poet tries to understand the meaning of life and time which consists of second feelings of man who always seeks for inner peace in his all characters. In addition, he tries to explain the appreciation of our independence to the reader.

All in all, the author analyzes his notions about philosophical descriptions and expression of soul in the lyrics of Ikram Otamurod and it doesn't matter which theme he writes about he tries to discribe true meaning of life in a philosophical way. He always uses specific characterictical means, delicate assimilations, traditions from folktales, through this he reflects all the realities philosophically.

References

1. Arnaudov, M. (1970) *Psixologiya literaturnogo tvorchestva* [Pschology of literary works]. Moscow: Science press.

2. Seytlin, A.T. (1968) *Trud pisatelya* [Writer's work]. Moscow: Science press.

3. Meylax, B.S. (1969) *Talant pisatelya i protsess tvorchestva* [Writer's talent and his working process]. Leningrad: Science press.

4. Otamurod, I. (2005) *Tavr* [Taurus]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

5. Khasanov Sh. (2001) *Dostonlarda shoir shaxsiyati talqini* [The Interpretation of writer's identity in epic poems]. *O`zbek tili va adabiyoti.* № 3. pp. 63 – 71.

6. Mansur, A. (ed) (2004) *Qur'oni karim:* ma'nolarining tarjima va tafsiri ["*Koran*": the translation and explanations of meanings]. Tashkent: Tashkent islam University press.

7. Sulton, I. (2005) *Adabiyot nazariyasi* [The theory of literature].Tashkent: O'qituvchi.

8. Umurov, H. (2002) *Adabiyot nazariyasi* [The theory of literature]. Tashkent: Sharq.

9. Babayev, T. (2002) *Adabiyotshunoslik asoslari* [The Foundation of literature]. Tashkent: Uzbekistan.

10. Kuronov, D.(2007) *Adabiyotshunoslikka kirish* [The Introduction to literature]. Tashkent: Fan.

11. Muhammad Ghazali. (2006) *Ihyou ulumid-din (Din ilmlarini jonlantirish)* [Ihyou ulumid-din (The inspration of religious knowledge)]. Tashkent: Movarounnakhr.

12. Otamurod, I.(1994) *Sopol siniqlari* [Ceramic fractures]. *Sharq yulduzi* №11-12. pp. 204 – 215; pp. 205 – 210.

13. Otamurod, I.(1999) *Sen // She'rlar va doston.* [You // Poems and an epic poem]. Tashkent: Katortol-Kamolot press.

14. Otamurod, I.(2014) *И*шора [Sign]. *Sharq yulduzi*. № 4. pp. 36-48.

15. Yakubov, I. (2014) *"Kangul" qushining dil izhori"* [The expression of the soul bird]. *Sharq yulduzi.* № 4. pp.

16. *Kuronov, D. (2015) Talqin imkonlari [Interpretation possibilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo*

Муаллиф ҳақида маълумот:

ЖУМАЕВА Салима Чўяновна – филология фанлари номзоди, Қарши давлат университети адабиётшунослик кафедраси доценти.

E-mail: jumayeva @mail.ru